Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк бошқаруви асосий ставкани йиллик 15 фоизга пасайтириш бўйича қарор қабул қилди

Матбуот анжумани

2022 йил 21 июль



# Инфляция динамикаси



# Ҳафталик нархлар динамикаси

*(ўтган ҳафтага нисбатан ўзгариши, %)*



# Асосий базавий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши
*(%, ойлик, мавсумий тозаланган)*



# Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари пасая бошлади

*(2014-2016=100, фоизда)*




2022 йилнинг июнь ойида жаҳонда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари *(ФАО индекси)* пасаювчи тенденцияда шакллана бошлади. Бунда, **ёғ**, **дон ва шакар** нархлари мос равишда 7,6, 4,1 ва 2,6 фоизга арзонлашган бўлса, гўшт маҳсулотлари нархининг ойлик ўсиши **1,6 фоизни** ташкил этди.

# Аҳолининг инфляцион кутилмалари

*Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)*




*Инфляцион кутилмалар бўйича респондентлар тақсимоти (респондентларнинг сони)*




Аҳоли вакилларининг инфляцион кутилмалари май ойига нисбатан пасаювчи динамикани кўрсатиб, **16,4 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати **14,1 фоизни** ташкил этди.

# Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари

*Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)*




*Инфляцион кутилмалар бўйича респондентлар тақсимоти (респондентларнинг сони)*




Жорий йилнинг июнь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан **1,6 фоизга** камайиб, **15,7 фоизни** ташкил этган бўлса, медиана қиймати **13,3 фоиз** атрофида шаклланди.

# Инфляция прогнози




Инфляция даражаси йил охирига **12-14 фоизлик** прогноз коридорининг медианасидан пастроқ, қуйи чегарага яқин бўлиши кутилмоқда.

# Сўмнинг алмашув курси динамикаси




Ташқи омиллар таъсирида сўм алмашув курси 2022 йил март ойининг биринчи ярмида ўзининг энг юқори даражасига етиб йил бошидан **6,8 фоизгача** қадрсизланган бўлса, март ойининг иккинчи ярмидан бугунги кунга қадар **5,2 фоизга** мустаҳкамланди. Натижада сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йил бошидан қадрсизланиши **1,2 фоизга** тенг бўлди.

# Экспорт тушумлари динамикаси

*(млн. АҚШ доллар)*

| Ойлар | 2021 | 2022 | Ўзгариши |
|---|---|---|---|
| Январь | 658 | 842 | 28% |
| Февраль | 805 | 877 | 9% |
| Март | 875 | 1 006 | 15% |
| Апрель | 871 | 1 178 | 35% |
| Май | 917 | 1 238 | 35% |
| Июнь | 974 | 1 425 | 46% |
| **Жами:** | **5 100** | **6 567** | **29%** |

2022 йилнинг I ярим йиллигида жами **экспорт тушумлари** ҳажми **6,6 млрд.** долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **29 фоизга** ўсди.

## Трансчегаравий пул ўтказмалари
*(млн. доллар)*




## Аҳоли билан валюта амалиётлари
*(млн. доллар)*




2022 йил I ярим йилликда мамлакатимизга **6,5 млрд** долларлик пул ўтказмалари кириб келган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга ортиқ** бўлди. Шунингдек, I ярим йилликда банкларнинг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги ижобий тафовут **1,9 млрд.** долларга тенг бўлди. Аҳоли сотуви 5,6 млрд. долл, аҳоли хариди 3,7 млрд. долл.

# Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

## Тармоқларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари




## ЯИМ реал ўсиши




Жорий йилнинг I ярим йиллигида ЯИМ реал ўсиши **5,4 фоизни** ташкил этди, бунда қурилишда ўсиш 6,2 фоизни, саноатда 5,1 фоизни ва хизматлар соҳасида 14,5 фоизни ташкил этди.

# 2022 йилда ЯИМнинг реал ҳисобда 5-5,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда (апрель 3,5-4,5 фоиз)

**Апрель**




**Июль**



# Банклараро пул бозори




2022 йил I ярим йилликда пул бозорида жами **65,8 трлн.** сўмлик операциялар амалга оширилиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **15 фоизга кўпроқ** бўлди ва умумий ликвидлик динамикаси билан изоҳланади. Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача фоиз ставкалари эса июнь ойида **17,1 фоизгача** пасайди.

# “UZONIA” ва “UZWIA” индекслари асосий ставка фоиз коридори доирасида шаклланди



## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




2022 йил июнда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **21 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **17,7 фоизни** ташкил этди.

Инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,8 фоизга** ва юридик шахсларда **4,9 фоизга** тенг бўлди.

## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




2022 йил июнда Марказий банк асосий ставкасининг пасайтирилиши фонида кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг олдинги ойга нисбатан бироз пасайиши кузатилди ҳамда қисқа муддатли кредитлар бўйича **22,4 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **22,9 фоизни** ташкил этди. Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари июнь ойида мос равишда **23,3 ва 22,4 фоизга** тенг бўлди.